

№25
(1459)
2023 YIL
6-IYUL

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА



t.me/uzbekistondasog'liqniqaqlash

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995 YIL OKTYABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

2023 – ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА АМАЛИЁТИДА ҚАНДАЙ БЎШЛИҚЛАР БОР ЭДИ?

Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги халқаро сайлов стандартларига уйғунлаштирилдими?



Истиқлол йилларида мамлакатимизда ўз моҳиятига кўра ноёб, турли даражадаги сайловлар хусусияти инобатга олинган сайлов тўғрисидаги бир қатор қонунлар қабул қилинди. Сайлов тўғрисидаги миллий қонун ҳужжатлари аксарият ривожланган демократик давлатларда бўлгани сингари сайловлардан сайловларгача бўлган даврларда тобора такомиллаштирилмоқда ва ривожлантирилмоқда. Бу табиий тадрижий жараён бўлиб, у бир томондан юртимизда рўй бераётган муҳим таркибий демократик ўзгаришларнинг натижаси бўлса, иккинчи тарафдан, бу жараённинг ўзи Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги демократик инсонпарвар ислохотларнинг бо-риши ва мазмунига таъсир кўрсатмоқда.

Янги демократик ва эркин Ўзбекистонни бунёд этиш мақсадида сўнги беш йил давомида амалга оширилаётган кенг камровли, изчил ислохотларда асосий эътибор – халқ ҳокимиятчилиги конституциявий тамойилини ҳаётга кенг тадбиқ этиш, давлат ва жамиятни бошқаришда фуқароларнинг иштирокини кенгайтириш, шунингдек миллий сайлов қонунчилиги ва амалиётини янада такомиллаштириш, уни халқаро сайлов стандартлари ва илғор демократик ҳуқуқий давлатлар тажрибасига мувофиқлаштиришга қаратилган. Зеро, эркин ва адолатли сайловлар демократиянинг муҳим ва зарурий шarti ҳисобланади.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда бўлиб ўтган сайловлар, сайлов қонунчилиги ва амалиётига киритилган

ўзгариш ва янгиликлар мамлакатимизда янги сиёсий вазият шаклланиши билан бир қатар, ифода қилмоқда. Биринчи бор Сайлов кодекси асосида 2019 йил декабрида мамлакатимиз парламенти ва Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар жараёнида муҳим ижобий тажриба ортирилди, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш амалиёти сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Шу билан бирга, сайлов қонунчилиги ва амалиётида айрим камчиликлар ва бўшлиқлар ҳам борлиги кўзга ташланди.

Ушбу камчиликларни бартараф қилиш, бўшлиқларни тўлдириш мақсадида ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси қизғин муҳокамалардан сўнг жорий йил 8 февралда қабул қилинди ва ижрога қаратилди. Ўз навбатида,

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ҳам муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур янгиликларни ўз ичига олган Сайлов кодекси нормаларини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг сайлов жараёнларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган қарор, низом ва йўриқномаларида акс эттириш жараёнида ишчи гуруҳимиз томонидан нуфузли халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари, хорижий ва маҳаллий экспертлар ва олимларнинг берган тақлиф ва тавсиялари яна бир бор таҳлил қилинди. Шу жараёнда амалдаги Сайлов кодексининг айрим моддаларини янада такомиллаштириш ва халқаро сайлов стандартларига уйғунлаштиришга эҳтиёж борлиги аниқланди.

Давоми 2-бетда▶

Янги Ўзбекистон ҳамкорлик ҳафталиги

Халқаро ҳамкорликдаги янгича ғоялар



Куни кеча пойтахтимизда “Янги Ўзбекистон: тараққиёт, инновация ва маърифат” мавзусида халқаро шериклик ташаббуслари ҳафталиги бўлиб ўтди. Мазкур мулоқотларда иштирок этиш учун тиббиёт соҳаси бўйича дунёнинг бир гуруҳ етакчи мутахассислари — АҚШ Касалликларни таҳлил қилиш маркази (СДА) бошқаруви директори Хоми Разави, Корея Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Глобал

соғлиқни сақлаш бўйича элчиси Чои Жае Вук, Ҳиндистон онкологлар ассоциацияси Президенти, Бутунжаҳон саратонга қарши иттифоқи (УИСС) экспертлар кенгаши аъзоси Динеш Пендхаркард, “Исроил тиббиёт маркази” асосчиси Ярон Гойхман ва бошқа нуфузли меҳмонлар юртимизга ташриф буюрди.

Давоми 4-бетда▶

ЭЪТИБОР БЕРИНГ:



Эътирофлиси, Тошкент давлат стоматология институти Буюк Британиянинг бутунжаҳон “Times Higher Education” нуфузли ташкилотининг “Young University Rankings-2023” рейтингига кирди.

КАМДАН КАМ БАЖАРИЛАДИГАН НОЁБ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ ЎТКАЗИЛДИ



Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказида дунёнинг камдан кам мамлакатларида бажариладиган ноёб жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

58 ёшли фуқаронинг буйрағида ҳосил бўлган хавфли ўсимта унинг юрак-қон томир тизимига етиб борган. Беморни бу оғир дарддан халос қилиш учун бир йўла унинг ҳам кўкрак қафаси, ҳам қорин бўшлиғида юқори технологик мураккаб операция амалга оширилди.

Шу боис, жарроҳлик хонасида бир пайтнинг ўзида икки бригада — Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Мирзағолиб Тиллашайхов бошчилигидаги онкоурологлар ҳамда тиббиёт фанлари доктори Алишер Мелиқуллов раҳбарлигидаги етакчи кардиохирурглар жамоаси иш олиб бордилар.

@ssvuz

ОБУНА-2023

ЭЛЕКТРОН МАНЗИЛИМИЗ:

uzss@yandex.ru

uzssgzt

БИЗНИНГ ИНДЕКС - 128

ДАВОМ ЭТМОҚДА

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА АМАЛИЁТИДА ҚАНДАЙ БЎШЛИҚЛАР БОР ЭДИ?

Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги халқаро сайлов стандартларига уйғунлаштирилдими?

← Давоми. Боши 1-бетда

Ишчи гуруҳи томонидан тахлилларга асосан ишлаб чиқилган ва асосланган тақлифлари ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш учун Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақдим этилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси бир гуруҳ депутатларнинг ташаббусига асосан Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Жорий йил 1 июнь кун мазкур қонун матбуотда эълон қилинди. Бир гуруҳ депутатлар ташаббуси билан қабул қилинган мазкур Қонун мамлакатимизнинг сайлов қонунчилигини изчил эркинлаштириш ва демократлаштириш йўлида қўйилган яна бир муҳим дадил қадам бўлди.

Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг ўн битта моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши белгиланган. Жумладан, Кодекснинг бешта моддасида, яъни 14, 20, 22, 101 ва 102 моддаларида – қуйи турувчи сайлов органларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятларнинг юқори турувчи сайлов органлари томонидан кўриб чиқилиши бекор қилиниб, фақат судлар томонидан кўриб чиқилиши мумкинлиги ўрнатилди. Ушбу тартиб Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюроси Сайловни кузатиш бўйича миссиясининг 2019 йил 22 декабрдаги Парламент сайловлари бўйича якуний ҳисоботида берилган “такрорий мурожаатлар ва қарама-қарши қарорлар қабул қилинишининг олдини олиш мақсадида мурожаатларни иккита органга бериш тизимини қайта кўриб чиқиш ва устувор равишда шикоятлар фақат судларга берилиши лозим”лиги ҳақидаги тавсиясига ҳам мос келади. Шунингдек, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган инсонпарвар ислохотларга ҳамма ҳамроҳ бўлди.

Амалдаги Сайлов кодексининг 21 моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияларининг таркиби Марказий сайлов комиссияси томонидан – комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва олти-саккиз нафар комиссия аъзосидан иборат таркибда тузилиши белгиланган. Сайлов кодексининг 9-моддасига асосан эса, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади. Бундан кўриниб турибдики, Республикамиз ҳудудларида жами 14 та сайлов округи тузилиши ва уларнинг ҳар бирида 9 нафардан – 11 нафарга қадар округ сайлов комиссияси аъзолари фаолият юритиши мумкин.

Сайлов кодексининг 22-моддасига асосан – округ сайлов комиссиясига ўзига тегишли ҳудудда сайлов кодексининг ижроси устидан назоратни амалга ошириш, сайлов участкаларини тузиш,


участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, сайлов участкаларининг жойлашган ери ҳақида сайловчиларни хабардор қилиш, участка сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг таркиби ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш, номзодларга сайлов кампаниясида иштирок этиш учун тенг шароитларни таъминлаш, сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотини эшитиш, сайловчилар рўйхатларининг тузилишини ва уларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб бориш, сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлаш ва уларни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиш, сайловчиларнинг ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилиш каби ўта муҳим вазифалар юклатилган. Агар мамлакатимизнинг айрим вилоятлари, масалан Самарқанд, Фарғона, Тошкент, Наманган, Қашқадарё каби вилоятларининг ҳар бири ҳудудда мингдан зиёд сайлов участкалари тузилиши ва фаолият юритишини инобатга олсак, ушбу сайлов участкаларини тузиш, участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириш каби юқорида санаб ўтилган муҳим вазифаларни бажариш 9–11 нафардан иборат округ сайлов комиссияси учун қанчалик машаққат туғдиришини тасаввур қилиш қийин эмас. Қонун ижодкорлари Сайлов кодексига ушбу бўшлиқни тўлдириш мақсадида округ сайлов комиссияси таркибини 11 нафардан 21 нафаргача бўлиши мумкинлиги ҳақидаги нормани белгиллади.

Сайлов кодексининг 31-моддасида – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига, Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетенининг шакли ва матни Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланиши, сайлов бюллетенига номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми унинг туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури), иш жойи ва уни номзод этиб кўрсатган сиёсий партия кўрсатилган ҳолда алифбо тартибда киритилиши ҳамда сайлов бюллетенида уни тўлдириш тартиби тўғрисидаги тушунтириш бўлиши кераклиги белгиланган. Маълумки, сиёсий партиялар, номзодлар ёки уларнинг ишончли вакиллари томонидан ўтказилган сайлов билан учрашувлар каби тадбирларда номзодлар тўғрисидаги барча маълумотлар, шу жумладан уларнинг эгаллаб турган лавозими машғулотининг тури, иш жойи ҳақида батафсил ахборот берилди. Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси томонидан чоп этиладиган ва сайловдан деярли бир ой олдин ҳар бир сайлов участкасига етказиб берилган номзодларнинг сайловолди дастури ва автобиографияси акс этган плакатларда ҳам номзодлар

тўғрисида юқоридаги маълумотлар тўлиқ акс этган бўлади. Ушбу плакатлар сайлов кунинда ҳам ҳар бир сайлов участкасида осиб қўйилади.

Юқоридагидан келиб чиқиб, сайлов бюллетенига номзоднинг фақат фамилияси, исми, отасининг исми унинг туғилган йили ва уни номзод этиб кўрсатган сиёсий партия кўрсатилган ҳолда алифбо тартибда киритилиши белгиланди. Сайлов бюллетенига номзод ҳақида киритилган маълумотларнинг қисқартирилиши натижасида, бюллетенда номзодлар ҳақидаги барча маълумотларни қатъий шрифтда акс эттириш орқали сайловчиларга қулайлик яратиш, барча номзодлар тўғрисида бир хил маълумотни акс эттириш йўли билан сайловнинг тенглик принципини таъминлаш имконияти кенгайди.

Сайлов кодексининг 38-модда-



сида – сайловчилар битта ёки бир нечта сиёсий партияни ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни қўллаб-қувватлаб имзо варақаларига имзо қўйишга ҳақли эканлиги, бунда сайловчи ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган йилини (ёши ўн саккизда бўлса, қўшимча равишда туғилган кун ва ойини), яшаш жойи манзилни, паспортининг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек имзо қўйилган санани кўрсатиши, мазкур маълумотлар қўлда ёзиб киритилиши белгиланган эди. Киритилган қўшимчага асосан, эндиликда сайловчилар имзо варақасига юқоридаги маълумотларни киритишда паспортининг ёки ID картасининг серияси ва тартиб рақамини киритиши мумкин. Ушбу янгилик, Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг 2020 йил 6 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарини расмийлаштириш ва бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ киритилмоқда. Чунки, ушбу қарорга асосан 2021 йил 1 январдан бошлаб мамлакатимиз фуқароларига паспорт ўрнига белгиланган намунадаги идентификация ID-картаси берилиши назарда тутилган ва ушбу карта шахсни тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлда қабул қилинган “Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 205-сонли қарорига асосан – “100 ва ундан кўп ки-

шиларнинг иштирокида ташкил этиладиган ва фуқароларнинг биргаликда қатнашиши назарда тутилган ижтимоий-сиёсий ва бошқа турдаги тадбирлар оммавий тадбир ҳисобланиши, бундай тадбирларни ўтказиш учун тегишли давлат ваколатли органларидан рухсатнома олиш талаби” белгиланган. Ушбу талабга кўра, сайлов кампанияси даврида сиёсий партиялар, номзодлар ёки уларнинг ишончли вакиллари томонидан сайловчилар билан ўтказилган учрашувлар, ташвиқот тадбирлари учун ҳам тегишли давлат органларидан рухсатнома олиш талаби қатъий равишда шаклланди. Жумладан, ЕХХТ ДИИХБнинг Сайловни кузатиш бўйича миссиясининг 2019 йил 22 декабрдаги Парламент сайловлари бўйича якуний ҳисоботида “сайловолди ташвиқоти давридаги тадбирларни ўтказиш бўйича халқаро стандартларга мувофиқ қонунни қабул қилиб, унда сайловолди ташвиқоти давридаги йиғилишлар учун тегишли давлат органларини хабардор қилиш тизимини жорий этиш” тавсия этилган.

Шу сабабли, Сайлов кодексининг 48-моддаси – сайловчилар билан учрашувлар каби оммавий тадбирлар уларнинг ўтказилиши жойи ва вақти ҳақида тегишли туман (шаҳар) ҳокимликлари камида уч кун олдин ёзма равишда хабардор қилинган ҳолда ўтказилади. Бунда ушбу оммавий тадбирларни ўтказиш учун рухсатнома талаб қилинмайди, деган учинчи қисм билан тўлдирилди.

Сайлов кодексининг 58-моддасида – “Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилади ҳамда раис, раис ўринбосари, котиб, сайлов комиссиясининг бошқа аъзолари томонидан имзоланадиган баённомага киритилади. Шундан сўнг баённома участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари томонидан ўқиб эшиттирилади ҳамда мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун участка сайлов комиссияси биносига камида қирқ саккиз соат муддатга дарҳол осиб қўйилади.

Участка сайлов комиссияси баённомасининг кўчирма нусхаси ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда дарҳол тегишли округ сайлов комиссиясига тақдим этилади, асл нусха эса раис ёки унинг ўринбосари томонидан ички ишлар органлари ходимлари кузатувида олиб бориб топширилади” деган норма мавжуд.

Сайлов кодексининг 95-моддасига асосан, округ бўйича сайлов натижалари участка сайлов комиссиялари томонидан тақдим этил-

ган баённомалари асосида, округ сайлов комиссиясининг мажлисида аниқланиши ва баённомага киритилиши, баённома комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби, бошқа аъзолари томонидан имзоланиши ҳамда тегишли сайлов комиссиясига тақдим этилиши белгиланган. Бирок, участка сайлов комиссияларидан фарқли ўлароқ, мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун дарҳол округ сайлов комиссияси биносига камида қирқ саккиз соат муддатга осиб қўйилиши назарда тутилмаган.

Шу боис, кодексдаги ушбу бўшлиқ ҳам қонунижодкорлари томонидан баргараф этилиб, округ бўйича сайлов натижалари акс этган баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун дарҳол округ сайлов комиссияси биносига камида қирқ саккиз соат муддатга осиб қўйилиши кераклиги белгиланди.

Маълумот ўрнида таъкидлаш лозим, британиянинг The Economist Intelligence Unit тадқиқот ташкилоти томонидан тузиладиган дунё мамлакатлари “Демократия индекси”да 2019 йил ҳолатига Ўзбекистон 165 давлат ичида 157-ўринни эгаллаган. Шунинг учун давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 2 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмни жорий қилиш тўғрисида”ги Фармонида ушбу индекснинг “12.1 - Сайлов жараёни ва плюрализм йўналиши” бўйича Ўзбекистоннинг кўрсаткичларини 2022 йилга қадар олти баробарга кўтариш белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги сайлов қонунчилигига киритилган ушбу ўзгаришлар мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини янада юксалтириш, мамлакатимиз сайлов қонунчилигини янада демократлаштириш ва сайлов амалиётини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, сайловчиларнинг демократик, очиқ-ошқора сайловларда фаол иштирок этиб, ўз хоширодасини эркин ифода этишида муҳим омил бўлади.

Зеро, очиқ демократик сайловлар одамларнинг сиёсий салоҳиятини рўёбга чиқариш имкониятини беради. Ўзбекистонда демократик жараёнларнинг самардорлигини оширишга йўналтирилган ижобий ўзгаришларни кузатиш эса эртанги кунга бўлган ишончли мустаҳкамлаб, кишини гоят руҳлантиради. Халқаро коидаларга биноан, “Ҳар бир сайловчи ўз эркинлигининг гамхўридир”.

Шундай экан, эртанги кунимиз қандай бўлиши ҳар биримизнинг сиёсий онгимиз, мавжуд сайлов тизими ва ўз ҳуқуқимиздан қандай фойдалана олишимиз ҳамда масъулиятни ҳис этган ҳолда фуқаролик бурчимизни самарали адо этишимизга бевосита боғлиқ. Шундагина демократик сайлов тамойиллари ҳақиқий тараққиёт қафолатига айланади.

Худоёр МАМАТОВ,
Марказий сайлов комиссияси Котибият раҳбари,
юридик фанлари доктори, профессор.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ, ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМ РИВОЖИ, ГЛОБАЛ ВА МИЛЛИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР

Мамнуният билан айтишимиз муҳимки, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини трансформация қилиш борасида халқаро ҳамкорлик ишларининг ниҳоятда кўтаринкилик тарзда давом этаётганлиги, бу албатта, Давлатимиз раҳбарининг юртимиз тиббиётига бўлган катта эътиборидир. Шундай экан, 2023 йилнинг 5 июль кун пойтахтимиздаги Ўзбекистон Киноматография агентлигининг Event Hall тадбирлар залида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими трансформацияси ва замонавий тиббиёт тизими ривожига бағишланган халқаро тадбир бўлиб ўтди.

Маъжор нуфузли тадбирда жаҳоннинг қатор мамлакатларидан тиббиёт соҳаси бўйича етакчи хорижий экспертлар, асосан халқаро ташкилотлар нуфузли клиникалар, дунё рейтингда етакчи ўринда турган олий ўқув юртлари вакиллари иштирок этишди. Ушбу тадбирда қатнашган хорижий экспертлар мамлакатимиз тиббиёти ва халқаро ҳамкорлик борасидаги фаолиятлар хусусида эътирофли фикрларини билдириб ўтишди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Амрилло Иноятов юртимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ишлар ва унинг келажакдаги истиқболи тўғрисида ўзининг қуйидаги фикрларини хорижий экспертлар ҳамда тадбир иштирокчилари эътиборига хавола этди.

Таъкидлашим муҳимки, учинчи ренессансга мустаҳкам пойдевор яратётган мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида ҳам соҳани трансформация қилиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Маълумки, Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича янги стратегия ишлаб чиқилган бўлиб, унда инсон кадрини эътироф этиш ва уни таъминлаш учун барча имконият ва салоҳиятнинг сафарбар этилиши белгилаб қўйилди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан соғлиқни сақлаш тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда, десам муболаға бўлмайди. Шундай экан, Ўзбекистон Республикасининг янгиланган Конституцияси аҳоли соғлиқини сақлашда ҳуқуқий асос бўлиб, тизим ривожланиши, сифатли тиббиёт билан қамраб олинishi ҳамда соғлом келажакка эришишда муҳим кадам бўлмоқда. Охириги 7 йилда соҳани ислоҳ этиш бўйича 200 дан ортиқ ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Тиббиётга ажратилган маблағлар миқдори 6 баробарга ортиб қарийиб 30 триллион сўми ташкил қилмоқда. Давлат томонидан бепул кўрсатиладиган “кафолатланган тиббий хизматлар ҳажми” энг кўп учраётган касаллик ва мурожатлардан келиб чиққан ҳолда шакллантирилди. Бугун тиббиётнинг бирламчи бўғинидаги 3650 дан ортиқ муассасаларимизнинг моддий-техник базаси янгиланиб, тиббий ходимлар салоҳияти ошиб бормоқда, ихтисослашган тиббий хизмат эса халқаро стандартлар асосида такомиллаштирилмоқда. Пойтахтимизда 23 та ихтисослаштирилган марказлар бўлиб, худудларда уларнинг 14 та филиаллари ташкил этилган. Айни пайтда юртимиздаги 2000 дан ортиқ даволаш муассасаларида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Буйрак ва жигар қўчириб ўтказиш каби юқори технологик операциялар вилоятлар-



да, ҳатто туман даражасида ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бугунги кунда 23 та давлат ва нодавлат тиббиёт олий ўқув юртлари, 74 та тиббиёт коллежларида 100 мингдан ортиқ талабалар таҳсил олмақда. Шунингдек, бирламчи тиббиётни аҳолига яқинлаштириш мақсадида биргина 2022 йилда 136 та поликлиника ва 1300 та маҳалла тиббиёт пунктлари ташкил этилиб, уларнинг сони 2086 тадан 3522 тага (+1436 та) етказилди. Натижада 4,5 миллион аҳолига бирламчи тиббиёт яқинлаштирилди.

Шу ўринда айтишим лозимки, хорижий инвестиция лойиҳалари бўйича айни вақтда ҳукумат кафолати остида умумий қиймати 877 миллион долларни ташкил этувчи 11 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Жумладан, Германиянинг KfW банки иштирокида қиймати 45,0 миллион евро бўлган “Соғлиқни сақлаш тизимида рақамли технологияларни жорий этиш” лойиҳаси, Кореянинг “EDCF” жамғармаси иштирокида умумий қиймати қарийиб 400 миллион долларни ташкил этувчи 4 та йирик лойиҳа. Жумладан, “Катталар учун замонавий кўп тармоқли тиббиёт марказини барпо этиш”, худудий тиббиёт муассасаларини тиббий жиҳозлар билан таъминлаш, Миллий онкология марказини ташкил этиш ҳамда Тошкент шаҳрида Корея тиббиёт олий ўқув юртини ташкил этиш лойиҳалари. Шунингдек, Ислон Тараққиёт банки иштирокида қиймати 80,0 миллион доллар “Ўзбекистон Республикаси онкология хизмати муассасаларини замонавий юқори технологияли ускуналар билан жиҳозлаш (2-босқич)” лойиҳаси, қиймати 80,0 миллион долларга тенг Марказий Осиёда ягона бўлган 8 қаватли, 650 ўринли ва 500 қатновга мўлжалланган маслаҳат поликлиникасидан иборат Республика ихтисослаштирилган онкология ва

радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг янги биноси лойиҳаси шулар жумласидандир. Ўзбекистон тиббиётига келгуси 7 йилда жалб этиладиган инвестициялар ҳажми 5 баробарга оширилиб, қарийиб 5 миллиард долларга етказиш режалаштирилган. Хусусан, давлат кафолати остидаги 13 та инвестиция лойиҳаси доирасида 1,3 миллиард доллар, давлат хусусий шериклик асосида келишувга эришилган 8 та лойиҳа доирасида 1 миллиард доллар, давлат хусусий шериклик асосида истиқболдаги 200 та лойиҳа доирасида 1,5 миллиард доллар, давлат ва хусусий шифохоналарни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун 1 миллиард доллар жалб этиш режа қилинган. Бунда, Siemens, Philips, GE Healthcare, Heinemann, BTL, SCHILLER AG каби дунёнинг йирик ва нуфузли компанияларининг энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналари билан таъминланади.

Бугун мамлакатимизда барқарор инвестицион муҳит ва кучли ижтимоий ҳимоя тизими шакллланган. Албатта, давлатимизда кучли сиёсий ирода ва тинчликнинг таъминланганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Барча соҳалар каби, тиббиёт соҳасига ҳам бугунги кунда хориж инвестициясини киритиш кун сайин ошиб бормоқда. Ушбу йўналишда хориж инвесторларига тақдим этилган имтиёزلарнинг маҳаллий тадбиркорларга берилган имтиёзлар билан бир хиллиги ҳамда бу борада қулай ва манфаатли шароитларнинг яратилганлиги улар орасида Ўзбекистонга бўлган қизиқишни оширмоқда. Ўзбекистонга ташриф буюриш бу 120 миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган Марказий Осиёнинг тиббиёт бозорига ҳам кириб келиш эканлигини, бугун йирик инвесторлар яхши англамоқдалар. Айниқса, кейинги йилларда Жанубий Корея, Туркия, Ҳиндистон, Хитой,

Германия, АҚШ ва яна бир қанча ривожланган давлатларнинг инвесторлари Ўзбекистон тиббиётига ўз сармояларини киритмоқдалар.

Тиббиётнинг келажаги бу хусусий секторнинг ривожини билан бевосита боғлиқ эканлиги барчамизга маълум. Бу албатта, тизимда соғлом рақобат муҳитини яратади, тиббий хизмат сифатини оширади ҳамда давлат муассасаларида иш юкласини камайти-

бир муҳим омили бу – халқаро майдонга чиқиш, тиббиётни ривожланган давлатлар билан мустаҳкам алоқаларни ўрнатиш, хориж тажрибасини ўрганиш ва жорий қилишдир. Бу борада Бирлашган Миллатлар ташкилоти ва ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти доирасидаги халқаро ҳамкорлик мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантиришда муҳим асос бўлмоқда. Хусусан, жорий йил май ойида БМТ Бош Ассамблеясининг шу йил сентябрь ойида бўлиб ўтадиган туберкулёзга қарши кураш бўйича юқори даражадаги мажлисига тайёргарлик қўриш юзасидан ташкил этилган интерактив эшитувларда Ўзбекистон делегациясининг иштироки этиши нафақат илгор тажрибаларни ўрганиш, балки юртимиз тиббиёт тизими ютуқларининг халқаро доирада эътироф этилиши учун ҳам кенг майдон бўлди. Бунинг баробарида, Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясининг 76-сессиясида Ўзбекистоннинг силга қарши кураш бўйича тажрибаси яна бир бор ЖССТ доирасида юксак баҳоланиши ва бошқа мамлакатларга намуна сифатида кўрсатиб ўтилиши мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатларнинг халқаро эътирофидир. Ўз навбатида апрель – июнь ойларида Ҳиндистон, Германия ва Россия давлатлари иштирокида 3 та халқаро соғлиқни сақлаш форумларининг ўтказилиши дунёнинг қатор илгор мамлакатлари билан тиббиёт соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга олиб чиқиш учун мустаҳкам замин яратди. Бугунги кунда ушбу ҳамкорлар билан биргаликда юртимизда юқори технологик операцияларни йўлга қўйиш, тиббиётни рақамлаштириш, соҳага инновацион технологияларни жалб қилиш, инвестициявий лойиҳалар қамровини кенгайтириш, тиббий таълимда қўшма дастурларни амалга ошириш ҳамда тиббиёт туризмни ривожлантириш каби қатор йўналишларда истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Эътиборлики, жорий йил якунига қадар Туркий тилли давлатлар соғлиқни сақлаш вазирлари иштирокида, шунингдек, Хитой, АҚШ, Франция, Жанубий Корея, Венгрия каби бир қатор ривожланган давлатлар иштирокида яна 10 га яқин шундай халқаро Форумларни ўтказишни режа қилганмиз. Маълумки, барча ислохотларнинг негизини таълим соҳасидаги ислохотлар ташкил этади. Шундай экан, тиббий таълимнинг тўлиқ трансформациясини амалга оширмоқдамиз.

Хусусан, тиббиёт мутахассисларига қўйилган амалдаги талаблар халқаро стандартлар даражасида қайта ишлаб чиқилмоқда ҳамда тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш (лицензиялаш)нинг ҳуқуқий асослари яратилмоқда. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида тиббиёт ва таълим йўналишида ислохотларни жадал олиб бораётган давлат ҳисобланади. Бугун Ўзбекистонни Марказий Осиёда тиббиёт ва таълим бўйича йирик ХАБга айлантириш учун барча имконият яратилган ва бунинг учун зарур бўлган салоҳият ҳам етарлидир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАМКОРЛИК ҲАФТАЛИГИ

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКДАГИ ЯНГИЧА ҒОЯЛАР

← Давоми. Боши 1-бетда

“Hilton” меҳмонхонасида ҳафталик доирасида мазкур хорижий экспертлар иштирокида Янги Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими трансформациясига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирни **Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов** кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз тиббиёт тизимидаги амалий ишларга шунингдек, соҳадаги янгича ёндашувлар асосидаги фаолиятларга ҳамда халқаро анжуманнинг мақсад ва вазифаларига тўхталиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, пойтахтимизда бўлиб ўтган “Янги Ўзбекистон: тараққиёт инновация ва маърифат” мавзусидаги халқаро шериклик ташаббуслари ҳафталиги тадбирида сўзга чиққан Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов ўз маърузасида юртимиз соғлиқни сақлаш тизими трансформация килинаётганлигини, шунингдек,

тиббиётни халққа янада яқинлаштириш чоралари кўриляётганлигини алоҳида таъкидлаб, куйидагиларга эътибор қаратди.

Тиббиётнинг қатор йўналишлари бўйича эришилган ютуқлар ҳақида сўз юритиш баробарида, аynи вақтда ҳукумат кафолати остида умумий қиймати 877 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи 11 та инвестиция лойиҳаси амалга ошириляётганлигини таъкидлади. Хорижий инвесторларга тақдим этилган имтиёزلарнинг маҳаллий тадбиркорларга берилган имтиёзлар билан бир хиллиги ҳамда бу борада қулай ва манфаатли шароитлар яратилгани улар орасида Ўзбекистонга бўлган кизиқишни ошираётганини ҳам алоҳида тилга олди.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган “Янги Ўзбекистон тараққиёт инновация ва маърифат” мавзусидаги халқаро шериклик ташаббуслари ҳафталиги тадбирида иштирок этаётган В. Вишневский номидаги Миллий жарроҳлик илмий тадқиқот маркази директори, Россия аритмологлар



илмий жамияти президенти **Амиран Ревитшвили** куйидаги фикрини билдириб ўтди.

– *Энг аввало, шу йил июнь ойида Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон-Россия тиббиёт форуми юксак савияда ташкил этилгани ва самарали ўтганини эътироф этмоқчиман. В. Вишневский номидаги жарроҳлик марказимиз ва Ўзбекистонни узоқ йиллик тарих боғлаб туради. Ҳозирги кунда юрак-қон томир тизими касалликлари соғлиқни сақлаш соҳасидаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бугунги тақдиримиз ушбу турдаги*



хасталикларни замонавий услуллар асосида даволаш йўллари бағишланган.

Шунингдек, **АҚШ Касалликларни таҳлил қилиш маркази (СДА) бошқаруви директори Хоми Разави** ҳам ўз чиқишида куйидаги ҳамкорликдаги мақсадларга тўхтади.

– *2020 йилдан буён Ўзбекистонда гепатит С ни аниқлашга қаратилган бепул тиббий кўриклар қамрови ортиб бормоқда. Биз ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан бирга юртингизда бу хасталикни бартараф этиш дастурини ишлаб чиққанмиз.*

Ушбу дастур қатор муҳим чора-тадбирларни ўз ичига олади. Қувонарлиси, Ўзбекистон гепатитни бартараф этиш бўйича дадил қадамларни қўймоқда.

Бу борадаги ишлар самардорлигини янада ошириш учун шиқоркорларни ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ишончим комилки, шундай саъй-ҳаракатлар натижасида яқин келажакда Ўзбекистон гепатитни тўлиқ бартараф этган мамлакатга айланади.

МАҚСАДЛАР МУШТАРАКЛИГИ

Тошкентда бўлиб ўтган Янги Ўзбекистон ҳамкорлик ҳафталиги доирасида “Ўзбекистон – соғлом ва билимли жамият” халқаро конференцияси ташкил этилиб, унда “Янги Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимининг трансформацияси” ва “Замонавий тиббиёт тизими ривож: глобал ва миллий тенденциялар” мавзуларида қизгин муҳокама қилиб ўтди.

демиги, **Россия соғлиқни сақлаш вазирлигининг академик В.Шумаков** номидаги трансплантология ва сунъий органлар миллий тиббиёт тадқиқот маркази директори:

– *Россиянинг Ўзбекистон билан тиббиёт соҳасидаги ҳамкорлиги асосан икки давлат аҳолисининг саломатлигига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Сўнгги йилларда тиббиёт шиддат билан ривожланиб бормоқда. Жумла-*

ва биргаликда инсон тана аъзоларини трансплантация қилиш бўйича меморандумлар имзоладик. Албатта, бу борадаги мақсадли келишувлар икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилишига ишончим комил.

Ярон ГОЙХМАН, “Исроил тиббиёт маркази” асосчиси: – *Биламизки, тиббиётнинг генетика йўналиши соғлом генофонд шаклланишида*

“УЧИНЧИ РЕНЕССАНС”НИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТИ САРИ ҚАДАМ



Бугунги кунда
23 та давлат ва
нодавлат тиббиёт
олий ўқув юртлири
74 та тиббиёт
техникумларида
100 мингдан зиёд
талабалар тахсил олди



дан, трансплантология йўналишида ҳам кўплаб самарали натижаларга эришмоқдамиз. Айтмоқчиманки, Россиялик ҳамкасбларимиз ўзбекистонлик мутахассисларга бу каби ноёб хирургик амалиётларни бажаришда яқиндан ёрдам бериб келишмоқда. Аҳамиятлиси шундаки, бу каби мураккаб амалиётларни юртингизда бажариляётганлиги албатта, қувонарли ҳол. Буларнинг барчасини инobatга олган ҳолда ҳамкорлик асосида мамлакатингизнинг бир қанча ҳудудларида ҳам трансплантология марказлари очишни кўзда тутганмиз. Айтишим лозимки, Самарқандда ўтказилган Ўзбекистон-Россия тиббиёт халқаро форуми доирасида юртингиз мутахассисларни мазкур йўналишида ўқитиш

жуда муҳим аҳамиятга эга. Юртингизда мазкур соҳага катта эътибор қаратиляётганлиги мени қувонтиради. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири бошчилигидаги делегациянинг АҚШга таширфи доирасида Гарвард геномика маркази билан тиббий генетика бўйича ҳамкорлик қилишга эришилган эди. Мана бугун бу ҳамкорликнинг амалий самарасини кўриб турибмиз. Эндиги мақсадимиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон геном кенгаши ва Геном тадқиқотлар миллий институтини ташкил этишини режа қилганмиз. Бу, ўз навбатида соҳада малакали кадрлар тайёрлаш ва ушбу соҳа ривожини янги босқичга олиб чиқиш имконини беради.

Хулоса сифатида айтиш муҳимки, юқори даражадаги халқаро ҳамкорлик тадбирлари соҳа мутахассислари учун тажриба майдонига айланаётганлиги, бу албатта, тиббиётга янгича гоёлар сари ташиланаётган қадамлар “Учинчи ренессанс”нинг муҳим пойдевори бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиздир.

Ибодат СОАТОВА,
журналист.

Унда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов, АҚШ Касалликларни таҳлил қилиш маркази (СДА) бошқаруви директори Хоми Разави, Корея Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Глобал соғлиқни сақлаш бўйича элчиси Чои Жае Вук, Ҳиндистон онкологлар ассоциацияси Президенти, Бутунжаҳон саратонга қарши иттифоқи (УИСС) экспертлар кенгаши аъзоси Динеш Пендхаркард, “Исроил тиббиёт маркази” асосчиси Ярон Гойхман ва бошқа нуфузли меҳмонлар иштирок этдилар.

Анжуман аввалида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири **Амрилло Иноятов** “Янги Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимининг трансформацияси, замонавий тиббиёт тизимининг ривож: глобал ва миллий тенденциялар” мавзусида маъруза қилиб, мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга ошириляётган ишлар, бугунги тиббиётимиздаги янгича ёндашувлар, халқаро ҳамкорлик борасидаги фаолиятлар, шунингдек келажакдаги истиқболли режалар хусусида атрофлича тўхтади. Ислохотлар ривожини таҳлиллар ва тақди-

мотлар кўринишида батафсил иштирокчилар эътиборига ҳавола этди.

Таъкидлаш муҳимки, тадбирда сўзга чиққан хорижий ва маҳаллий экспертлар, соҳа мутахассислари охириги йилларда Янги Ўзбекистонда аҳоли учун сифатли тиббиёт хизмат ошганлигини, аҳоли орасида ўргача умр кўриш даражаси юқори бўлиши учун янгича ёндашувлар татбиқ этиляётганлиги, халқаро ҳамкорлик борасида эришляётган ютуқлар тўғрисида эътирофли фикрларни билдиришди.

Сергей ГОТЪЕ, Россия Фанлар академияси ака-

ЮРТИМИЗ ШИФОХОНАЛАРИДА

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Буйрак ва жигар трансплантацияси ўта мураккаб ва ноёб операция ҳисобланади. Энг асосийси, бу турдаги амалиётга муҳтож бўлган беморлар бундан бир неча йиллар муқаддам даво умидида Ҳиндистон, Россия, Туркия каби давлатларга борган бўлса, эндиликда бунга ҳожат қолмади, деса ҳам бўлади.

Биргина, ўтган бир йил давомида академик В. Воҳидов номли Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида мингдан ортиқ буйрак трансплантацияси билан боғлиқ юқори технологик амалиётлар ўтказилган бўлса, жигар трансплантацияси билан боғлиқ амалиётлар сони олтига яқинлашиб қолди.

Қувонарли томони, ушбу турдаги амалиётлар пойтахтда, академик В. Воҳидов номли Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий марказида йўлга қўйилган бўлса, эндиликда буйрак ва жигар билан

БУЙРАК, ЖИГАР ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИНИ БОШДАН ЎТКАЗГАН БЕМОРЛАР УЧУН ТИББИЙ КЎРИК ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

гила илмий-амалий марказ раҳбари, профессор Саидмурод Исмоилов маълум қилди.

– Энг муҳими, – деди марказ раҳбари, профессор Саидмурод Исмоилов. – Марказимиз малакали мутахассислари сирдарёлик мутахассислар билан ҳамкорликда ўтган йил ва жорий йилда Гулистон тиббиёт

якин шу турдаги амалиёт Сирдарёда ўтказилади. 2024 йилга келиб бу турдаги амалиётларни сирдарёлик мутахассислар мустақил бажаришади. Қувонарли томони, марказ раҳбари, профессор Саидмурод Исмоилов ташаббуси билан Гулистон тиббиёт кластерида сурункали буйрак етишмовчилиги, жи-

Шу куннинг ўзида, республикамизда, қолаверса, Ҳиндистонда жигар трансплантация амалиётини ўтказган, сирдарёлик шифокорлар назорати остида даволанаётган 30 нафар бемор, 30 нафар донор, Сирдарё ва марказда буйрак трансплантация амалиётини ўтказган 10 га якин бемор, шунча донордаса-

ломатлик кўрсаткичи билан боғлиқ муаммолар ўрганилиб, уларга атрофлича маслаҳат ва тавсия берилди, шунингдек, тиббий кўрик жараёни, унга ташриф буюрувчи бемор ва донорлар рўйхати шакллантирилди.

– Бундан бир йил муқаддам, жигар билан боғлиқ муаммо мени анчагина қийнаб қўйганди, – деди Ховос туманидаги "Янгиер" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилаётган Аюбхон Отаев. – Республика вирусология, Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг малакали мутахассислари маслаҳат, тавсияси асосида Ҳиндистонга бориб жигар трансплантация амалиётини бошдан ўтказдим. Ўз ўғлим донор бўлиб, жигарининг бир парчасини менга берди. Шунга яраша харажатлар ҳам катта бўлди. Яқинлар ўз кўмагини беришди. Айни вақтда саломатлигим анча яхши. В. Воҳидов номли Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг малакали мутахассислари тавсияси, сирдарёлик тиббиёт ходимлари назорати остида даво муолажаларини оляпман. Муҳими, соғ-саломатман. Гулистонда, Тиббиёт кластерида марказ раҳбари, профессор Саидмурод Исмоилов ташаббуси билан ташкил этилган тиббий кўрик жараёнига келиб, ўзим ва ўғлим учун зарур бўлган тавсия ва маслаҳатларни олдим. Бу нафақат менга, мен сингари жигар ва буйрак трансплантация амалиётини ўтказган беморлар учун ниҳоятда фойдали бўлди.



боғлиқ амалиётлар вилоятларда ҳам йўлга қўйилди.

Бу тўғрида, Сирдарёга, Гулистон тиббиёт кластерга ташриф буюрган академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирур-

кластери ҳамда Оқолтин туман тиббиёт бирлашмасининг умумий жарроҳлик бўлимида 8 нафар фуқарода юқори технологик буйрак трансплантация амалиётини ўтказган бўлса, йил сўнгига қадар яна 20 га

гар циррози, субкомпенсация босқичи билан касалланган, аммо буйрак, жигар трансплантация амалиётини бошдан ўтказган бемор ва донорлар учун икки кунлик тиббий кўрик ташкил этилди.

Асосийси, тиббий-кўрик буйрак ва жигар трансплантация амалиётини бошдан ўтказган беморлар учун бир томонлама фойдали бўлган бўлса, Сирдарёлик хирург, трансплантологлар учун "маҳорат дарси" вазифасини ўтади.

ФИДОЙЛИК

МЕҲРЛИ ҚАЛЬЛАРНИНГ ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Сурункали буйрак етишмовчилиги бирданига содир бўлмайди, балки буйрак нефронлари, яъни қил найчаларининг зарарланиш даражаси ошиб бориши ва фаол нефронлар миқдорининг камайиб кетиши натижасида юзага келади.

Гулистон туманининг "Аҳиллик" маҳалласида истиқомат қилаётган, 1976 йилда туғилган Ақромжон Маматқулов ҳам буйрак билан боғлиқ муаммога дуч келмаган деб ўйламаган эди. Сўнги вақтда уни тез-тез чанқаш, оғиз қуриши, терисининг қуруқлашиб, қичиши, кечки пешобнинг кундузгига нисбатан бироз кўпайганлик ҳолати безовта қиларди, аммо, у шамоллаш деб олдинга шифокорга мурожаат этмай, турли дори воситаларидан фойдаланиб кўради. Аҳвол, қутилгандек бўлмагач, орта қараб кетаётганлигидан сўнг, ҳавотирга тушиб малакали мутахассисларга мурожаат этди.

Зарур текширувлар ўтказилди. Аммо, у ўйлаганидек шамоллаш аломати эмас, ўткир буйрак етишмовчилигининг илк аломатлари аниқланди. Унга ўткир буйрак етишмовчилиги ташҳиси қўйилиб, Гулистон тиббиёт кластерининг нефрология ва гемодиализ бўлимига йўлланима беришди. Аммо, бора-бора гемодиализ муолажалари ўз самарасини бермай қўйди. Шунда унинг опаси, 1974 йилда туғилган Гулбаҳор Мухторова укаси, Ақромжонга бир буйрагини беришга қарор қилади. Маълум бир текширув ва шифокорлар ҳулосасидан сўнг, буйрак трансплантацияси билан боғлиқ юқори технологик жарроҳлик амалиёти ўтка-

зилди. Ушбу амалиётни, бундан йигирма кун муқаддам, Гулистон тиббиёт кластерида академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази хирурглари, сирдарёлик хирурглар ҳамроҳлигида муваффақиятли ўтказишди. Айни вақтда опани, қолаверса Ақромжонни саломатлиги анча яхши. Улар ўз уйида, фарзандлари олдида, шифокорлар назорати остида даво муолажаларини оляпти.

Бугун Гулистон тиббиёт кластерида, академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази раҳбари, профессор Саидмурод Исмоилов ташаббуси билан ташкил этилган тиббий кўрик жараёнларига улар ҳам ташриф буюрди. Уларга ҳам малакали мутахассислар маслаҳат ва тавсия беришди.

– Ростини, жондек жигарининг кундан-кунга сўлиб боришини кўргач, на



қўзингга уйку келади, на бир қултум сув томоғингдан ўтади, – дейди Гулбаҳор Мухторова. – Кўп ҳам ўйлаб ўтирмадим, укам, унинг гулдек фарзандлари кўз ўнгимдан ўтавергач, бир буйрагимни беришга қарор қилдим. Кўриб турганингиздек, укам соғ-саломат. Бунинг учун шифокорларга раҳмат. Улар ёрдами сабаб, иккаламиз ҳам амалиётдан муваффақиятли чиқдик. Энг асосийси, харажатлар Давлат тиббий сўғуртаси жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилди.

Биз ҳамширалик касбини танлаганимиздан фахрланамиз. Тўғриси-ни айтганда, ёшлигимиздаги орзуимиз ҳамшира бўлиш эди. Мана бугун ниятларимиз амалга ошириб, халқимиз саломатлиги йўлида меҳнат қилиб келмоқдамиз. Айниқса, Давлатимиз раҳбарининг ҳамширалар меҳнатига бўлган эътиборлари барча тиббиёт ходимлари қатори бизларни ҳам мамнун этмоқда. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятовнинг юртимиз тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган ҳамширалар билан олиб бораётган суҳбатлари ҳам бизнинг меҳнатимизга бўлган эътиборлари ҳам таҳсинга лойиқдир. Айниқса, эндиликда ҳамширалар ҳам хорижий давлатларда малакасини ошириши учун яратилаётган кенг имкониятлар бизни ҳам қувонтирмоқда.

Мен Ҳафиза Рўзиева Тошкент вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг гастроэнтерология бўлимида катта ҳамшира бўлиб ишлайман. Сизларнинг эътиборингизни бўлимимизда олиб борилаётган фаолиятларга қаратмоқчи эдим.

Гастроэнтерология бўлими ошқозон ичак касалликларини даволовчи бўлиб, 14 та ётоқдан иборат. Беморлар бўлимида куйидаги ташхис бўйича даволанишади. Сурункали холицитит, сурункали кабзият, панкреатит, ошқозон ичак фаолиятининг бузилиши, ярали колит, қайт қилиш синдроми, сурункали гастрит, сурункали энтероколит, ошқозон яра касаллиги, ноинфекцион энтероколит, 12 бармоқли ичак яра касаллиги мукровидоз, целиакия, сурункали гастродуоденит, аллергия энтероколитлар билан. Бу ташхислар бўйича бўлимимиз шифокори Нигора Нурова даво муолажаларини олиб боради. Бўлимда бир нафар катта ҳамшира 2 нафар муолажа ҳамшираси, 4 нафар навбатчи ҳамширалар, битта бўлим бекаси ва 5 нафар кичик

КАСБИМ – БУ МЕНИНГ ФАХРИМ



тиббий ходимлар фаолият олиб боришади. Бўлимимиз ходимлари доволанаётган беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келишмоқда. Даволаниб ўз дардига шифо топиб кетаётган беморларни кўпчилиги ўз миннатдорчилигини билдириб, ташаккурномалар ёзиб кетадилар. Худди шу дамда бўлимдаги иш қанчалик оғир бўлмасин, беморларни кичик эътирофи бўлимни ҳар бир хизматчисини қувончига сабаб бўлади. Зеро, биз оқ халат кийган кунимиздан бошлаб, халқимизга беъминнат хизмат қилишни ўз олдимизга мақсад

қилганмиз. Бўлимимизда ходимлар ўртасида меҳр оқибат кучли. Марказимиз раҳбари Саида Мирзараҳимованинг саъй-ҳаракатлари билан бўлимларимизда 2022 йилнинг июлидан бошлаб қайта таъмирлаш ишлари олиб борилди. 2022 йилнинг ноябрь ойида таъмир ишлари якунланиб, чиройли ва барча шароитларга эга бўлган бўлимимизда фаолиятимизни давом эттириб келмоқдамиз. Ҳозирги кунда бўлим залларида болаларни эътиборини жалб қиладиган керакли, соғлом турмуш тарзи ва унинг етти қондасига амал қилиш қоида-

лари ўрнатилган. Болажонларимиз учун керакли маълумотлар йўриқномалар орқали тушунтирилади. Шунингдек, марказнинг бош ҳамшираси Д. Сайдумарова ҳам фаолиятларимизга эътибор қаратиб, керакли тавсия ва маслаҳатларни бериб келмоқда.

ЯРАТИЛАЁТГАН ИМКОНИАТЛАРДАН МАМНУНМАН

Мен Дилдора Нигматуллаева кўп йиллардан буён Тошкент

нидан тизим фаолиятига берилаётган эътибордан биргина мен эмас, балки аҳолининг мамнунлиги барчамизни қувонтириб келмоқда.

Бугунги кунда тиббиёт соҳаси нихоятда ривожланиб бормоқда. Қанчадан-қанча касалликларга даво топилапти. Бўлимимизда буйрак касаллиги билан хасталанган болажонлар даволанишади. Кейинги пайтларда болажонларимиз орасида буйрак касаллиги кўпайиб бормоқда. Таъкидламоқчи эдимки, болаларда буйрак касалликлари оддийгина томоқ оғриғи асорати сифатида юзага келади. Буйрак касалликлари билан оғриган болажонларимизда ҳолсизлик, ланжлик, сийдикнинг кам ажралиши ёки умуман сийдик ажратмай қўйиши, юз-қовоқ соҳаларида, қўл-оёқларда шишлар кузатилади. Болада бундай белгилар учраганда албатта, нефролог шифокорга учрашишларини тавсия қиламиз. Шу билан бирга, қон ва сийдик таҳлилларини ҳам текшириш тавсия этилади. Бўлимимизда асосан нефрит, сурункали нефрит, ўткир ва сурункали гломерулонефрит, ўткир ва сурункали пиелонефрит, ўткир буйрак етишмовчилиги касалликлари билан оғриган болалар даволанади.

Ҳар бир касалликнинг келиш осон, лекин унинг олдини олган афзал, дейди - бўлим мудиримиз Шахноза Муродова. Даволаниш вақтида шифокорнинг кўрсатмаларига тўлиқ риоя қилиб, дардларига шифо топган беморларимизга тавсиялар берадилар.

Дил ташаккурим сизларга

Мен Алланазар бобо Худойбердиев Бекобод туманида истиқомат қиламан. Саломатлигимда жиддий ўзгариш бўлиб ахволим оғирлашиб қолди. Оила аъзоларим туман тиббиёт бирлашмаси мутахассисларининг тавсияси билан Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг кардиология реанимация бўлимига олиб келишди.

Бу ердаги шифокорларнинг ташхисидан сўнг даво муолажалар бошлаб юборилди. Қун сайин саломатлигимда ўзгариш бўлиб, ахволим яхшиланди. Менга ўз вақтида сифатли тиббий муолажалар олиб борган бўлим шифокорлари Санжар ҳамда Мўътабар опаларга оила аъзоларим ҳамда ўзим номимдан шу билан бирга мен билан бирга даволаниб оиласи бағрига қайтган Абубакир номидан ҳам чексиз ташаккуримни билдираман.

Ахил жамоанинг барча ходимларига мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик ва ишларига ривожлар тилайман.

Алланазар хожи бобо
ХУБОЙБЕРДИЕВ,
Тошкент вилояти,
Бекобод тумани

ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК!

Ёш ўтиши билан иммунитет пасайиб, сурункали касалликлар асоратлари ва янги хасталиклар пайдо бўлиш эҳтимоли ортади. Шунинг учун 50 ёшдан кейин шифокорлар барча аёлларга режали равишда тиббий кўрикдан ўтиб туришни тавсия қилади.

50 ЁШДАН ОШГАН АЁЛЛАР ҚАНДАЙ ТИББИЙ ТЕКШИРУВЛАРДАН ЎТИШИ КЕРАК?



Бундай кўриклар кўплаб хавфли касалликларни аниқлаш ва улар ривожланишининг олдини олишга ёрдам беради.

Кўкрак беги саратони скрининги. Кўкрак беги саратонини вақтида аниқлаш орқали бемор ҳаётини сақлаб қолиш мумкин. Шунинг учун шифокорлар 50 ёшдан ошган аёлларга ҳар йили маммографиядан ўтишни тавсия қилади.

Бачадон бўйни саратони скрининги. Баъзи аёллар ушбу муҳим текширувни эътиборсиз қолдиради. Ваҳоланки, бачадон бўйни саратони ўлим даражаси юқори бўлган энг хавфли касалликлардан биридир. Қайғули оқибатлар кўпинча беморлар ўз вақтида кўрикдан ўтмагани сабабли юзага келади. Қольпоскопия бачадон бўйни ўсмаларини ташхислаш учун қўлланилади.

Тўлиқ гормонал текширув. Эстроген ва тестостерон йиллар давомида даражалари ўзгариб турадиган организмдаги асосий гормонлардир. Бирок бошқа гормонларни ҳам мунтазам текшириб турган яхши. Чунки,

уларнинг мувозанати метаболизм, мия, иштаҳа, тана ҳарорати ва ҳақозоларга таъсир қилиши мумкин.

Остеопороз диагностикаси. Йиллар давомида суяклардаги кальций даражаси кескин пасая бошлайди ва бу кўпинча хавфли тизимли касаллик — остеопорозга олиб келади.

Хасталикни эрта босқичда аниқлаш имконини берувчи энг самарали текширув суяк

денситометрияси (суяк зичлигини ўлчаш). 50 ёшдан кейин ҳар йили ушбу текширувдан ўтиб туриш фойдали.

Қон босимини ўлчаш. Менопауза ва у билан боғлиқ ўзгаришлар туфайли аёлларда гипертония ривожланиши жуда кенг тарқалган. Агар у назорат остида бўлмаса, хавфли юрак-қон томир патологиялари вужудга келиши мумкин.

Қонда шакар ва холестерин миқдорини аниқлаш. Қонда глюкоза даражасини

текшириш иккинчи тоифа диабетни аниқлашга ёрдам беради. Бу кўпинча 40-50 ёшдан кейин ташхис қилинади.

Ёмон холестерин (ЛДЛ) учун ўз вақтида ва мунтазам равишда қон таҳлилини топшириш инфаркт ва инсультнинг сабаби бўлган атеросклероз (томирларнинг деворларида бляшка шаклланиши) ривожланишининг олдини олади.

@ssvuz

АКТУАЛЬНАЯ ТЕМА



Боль в спине – неприятный симптом, который может лишить человека трудоспособности, а в некоторых случаях даже сна. Причин ее бывает множество, но одной из частых врачи называют – межпозвоночную грыжу. О том, почему она возникает и как побороть это неприятное заболевание рассказал Александр Ткачев, врач-невролог, физиотерапевт, рефлексотерапевт, один из авторов методики лечения Ткачева-Эпифанова.

Что делать, если грыжу уже диагностировали?

В основном в медицине используется три варианта лечения межпозвоночной грыжи. Это хирургическая операция, когда грыжу удаляют. Это самый быстрый и, на мой взгляд, одновременно самый рискованный способ лечения. Кроме того, операция не всегда помогает избавиться человека от боли и не исключает повторного появления грыжи.

Второй вариант – стандартное противовоспалительное лечение. Его цель – снижение воспаления в области грыжи с помощью комплекса проце-

дур и медикаментов. В большей степени это симптоматическая терапия, которая позволяет уменьшить боль, но не устраняет грыжу.

Но я придерживаюсь третьего варианта – он называется «модулируемая резорбция грыжи». Клиника Ткачева стала первой в России применять такое лечение пациентов. Оно включает в себя все плюсы двух вышеупомянутых вариантов – снимает боль и уменьшает/полностью убирает грыжу.

Можно подробнее про этот вид лечения?

Лечение по схеме «модулируемой резорбции» или как мы ее еще называем – «резорбтивной терапии» преследует две основные цели: воздействовать на симптомы и причину возникновения этих симптомов.

Фактически, резорбция означает частичное уменьшение или рассасывание грыжи межпозвоночного диска без помощи нейрохирурга. Наш организм – это удивительный мир. Природа заложила в нем функции самозаживления. В случае любого повреждения, наш умный организм запускает процесс воспаления, который в итоге и приводит к желаемому заживлению. Точно такой же раной для нашего организма является позвоночная грыжа.

И именно воспаление обеспечивает место повреждения усиленным притоком крови с клетками-макрофагами, а последние, как известно, любят поедать чужеродные или лишние для организма частицы. Макрофаги помогают растворить вытекшее пульпозное ядро, после чего разорванное фиброзное кольцо зарастает с формированием рубца.

К сожалению, самостоятельно процесс происходит далеко не у всех и обычно без медицинской помощи протекает медленно. В случае с резорбцией грыжи, наше лечение способствует ускорению и улучшению качества этого процесса и повышает вероятность уменьшения грыжи диска до 94%, что подтверждено в наших исследованиях.


Mk.ru.

Александр Михайлович, давайте для начала поймем, что такое межпозвоночная грыжа?

Межпозвоночные диски скрепляют наши позвонки, выполняя при этом амортизирующую функцию. Межпозвоночный диск по строению похож на плоскую капсулу с гелем. Внутри него – пульпозное ядро студенистой консистенции. Вокруг ядра – фиброзное кольцо из волокнистых коллагеновых пластин. Если в фиброзном кольце появляются микротрещины, студенистое ядро начинает в них проникать и расширяет их. В итоге в ткани появляется разрыв, через который пульпозное ядро выпячивается за пределы диска. Это мы и называем грыжей.

Каковы причины ее появления?

На данный вопрос у врачей и ученых нет однозначного ответа, так как возникновение межпозвоночной грыжи может быть связано с целым рядом факторов. Эти факторы приводят к преждевременной дегенерации диска, иными словами, под их воздействием диск стареет быстрее и становится более хрупким и неспособным справиться даже с повседневными нагрузками. Основными доказанными причинами дегенерации называют: наследственность, нарушение питания и чрезмерную нагрузку.



РАСПРОСТРАНЕННЫЕ ОШИБКИ ПАЦИЕНТОВ ПРИ ПРИЕМЕ ТАБЛЕТОК

К сожалению, лекарственная грамотность россиян слишком далека от идеальной. В этом убедились аналитики, представившие исследование на тему, каковы самые распространенные ошибки соотечественников, которые они совершают во время лечения и применения лекарств. В топ-3 попали покупка препаратов без назначений и рецептов от врачей; нарушение условий хранения лекарственных средств и (внимание!) совместный прием медикаментов и алкоголя.

Итак, исследование гласит, что 44% респондентов в течение последних трех лет покупали рецептурные препараты без рецептов врача. Чаще всего так делали женщины (48% против 39% мужчин), люди с высшим образованием (51%) и граждане с невысоким уровнем доходов (50%). Но, по факту, таких граждан может быть значительно больше: ведь не все знают, например, что не только все антибиотики, но и почти все нестероидные противовоспалительные средства (обезболивающие и жаропонижающие) тоже должны отпускаться по рецепту. Впрочем, это проблема не только россиян, сколько свободного доступа таких препаратов и невы-

сокой доступности врачей, которые по идее должны выписывать на них рецепты. 22% россиян, как оказалось, не соблюдают условия хранения препаратов – а вот это уже полностью ответственность пациентов. Которые зачастую наивно считают, что, если указано хранить препарат в темном и прохладном месте, это ничего не значит, или вовсе не читают инструкции. Опрос показал, что чаще других медикаменты хранят неправильно граждане без определенного места работы (23%) и люди в возрасте от 35 до 44 лет (27%). Ну и еще каждый пятый россиянин, как выяснилось, мешает лекарства с алкоголем. Ожидаемо, что чаще так поступали представители

сильного пола (25%), но и женщины не отказывались от таких порой опасных коктейлей (16%). Среди людей 25–34 лет таких 23%, а среди россиян с хорошим финансовым положением – аж 33%. Не обращали никакого внимания на то, что у препарата истек срок годности, 18% россиян. В первую очередь, так делали мужчины (20% против 17% женщин), молодежь возрастной категории 18–24 лет (23%) и люди с высоким уровнем дохода (24%).

Опрос проводился в мае 2023 года среди 1000 россиян от 18 лет.

«Лекарственная безопасность страны – это не только бесперебойное обеспечение граждан всеми необходимыми лекарственными препаратами, но и правильное их использование, – рассказала «МК» директор СРО Ассоциация независимых аптек, глава Альянса фармацевтических ассоциаций, к.ф.н. Виктория Преснякова. – Своевременное и полное обследование, точный диагноз и правильная подобранная терапия имеют большое

значение в лечении пациентов и сохранении жизни и здоровья людей. Только это командная работа. Врачи и фармацевты будут бессильны без помощи пациентов, которая проявляется в ответственном лечении и правильном употреблении лекарственных средств. Некоторые люди сами назначают себе лечение, например антибиотиками, не считаясь с дозировкой и противопоказаниями, что может привести к развитию опасных побочных эффектов и обострению заболевания.

Также часто игнорируются перечень противопоказаний и побочных действий при приеме различных лекарственных препаратов, что может негативно сказаться на здоровье и даже привести к летальным исходам.

Поэтому очень важно принимать только те лекарства, которые назначил врач, следуя инструкции по их применению. Кроме того, необходимо осознавать, что диагностику и лечение нужно проходить своевременно, чтобы не допустить осложнений и существенного ухудшения здоровья.

Екатерина ПИЧУГИНА.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

“Маъмурий ислохотлар доирасида олий таълим, фан ва инновациялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, олий таълим дастурлари халқаро рейтингда юқори 200 талик рўйхатга кирган хорижий олий таълим ташкилотлари дастури асосида қайта ишлаб чиқилади.

Таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби бекор қилиниб, комплекс ва махсус давлат аккредитациясидан ўтказиш тизими жорий этилади.

Бунда:

комплекс давлат аккредитацияси ҳар 4 йилда таълим ташкилотларини ташқи баҳолаш натижалари асосида ўтказилади. Лицензияси бекор қилинган таълим ташкилоти ёки ёпилган таълим дастурида ўқиётган талабаларга ўқишини давлат ва нодавлат таълим ташкилотларининг мос ва турдош таълим йўналишлари ва мутахассисликларига кўчириш ҳуқуқи берилди. Шунингдек, таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш амалиёти жорий этилади.

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРГА ЎҚУВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ЎЗМА ИМТИҲОН БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Бунда:

Вазирлик томонидан тан олинган халқаро рейтинг ташкилотларининг биринчи 1 000 таликка кирган олий таълим ташкилотлари навбатдаги комплекс давлат аккредитациясидан озод қилинади. Олий таълим ташкилотларининг рейтинг таълим ташкилотининг фаолияти ва таълим жараёнига аралашмаган ҳолда маълумотларни ахборот тизими орқали олиш йўли билан юритилади.

2024 йил 1 январдан:

– рейтинг давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотлари бўйича умумий аниқланади;

– сўнги 5 йил давомида рейтингда биринчи 10 талик ўринни эгаллаган олий таълим ташкилотлари навбатдаги комплекс давлат аккредитациясидан озод қилинади.

2025 йил 1 январдан:

– нодавлат олий таълим

ташкilotларига давлат буюртмаси асосида кадрлар тайёрлаш бўйича квота уларнинг рейтингдаги ўрнига мувофиқ ажратилади;

– олий таълим ташкилотларининг таълим соҳалари кесимидаги рейтингини юритиш йўлга қўйилади.

танлаш ва танлаган устуворлиги бўйича бакалавриат таълим йўналишлари кетма-кетлигида танловда иштирок этиш ҳуқуқи берилди;

– талабанинг таълим йўналишига мос стартап лойиҳаси ҳамда рационализаторлик гоясини битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси сифатида ҳимоя қилиш амалиёти жорий этилади;

– олий таълим муассасалари талабаларининг иқтисодиёт тармоқлари корхоналарида ҳақ тўланадиган қисқа муддатли мақсадли ишлаб чиқариш амалиётлари ташкил этилади.

2024/2025 ўқув йилидан:

ОТМга кириш имтиҳонларини топшириш “аввал тест, сўнг танлов” тамойили асосида ташкил этилади ҳамда абитуриентларга тест синови натижасида тўплаган балидан келиб чиқиб, олий таълим муассасаси, таълим йўналиши ва шаклини танлаш имконияти яратилади; умумтаълим фанларидан халқаро имтиҳон натижалари бўйича сертификатлар давлат ОТМга қабул қилишда инобатга олинади.

ИМКОНИАТ

ЎҚИШНИ КЎЧИРИШ БЎЙИЧА ЎТИШ БАЛЛАРИ ТАСДИҚЛАНДИ

2023/2024 ўқув йилида хорижий давлатлардаги олий таълим муассасалари, республикамизда фаолият юритаётган нодавлат ва хорижий (филиаллар) олий таълим муассасаларидан давлат олий таълим муассасаларига ўқишни кўчириш учун ўтиш баллари тасдиқланди.



Ушбу ўтиш баллари жорий йилда ҳам тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг таклифлари асосида шакллантирилди. Юқоридаги сурат орқали соҳалар кесимида ўтиш баллари билан танишишингиз мумкин.

2023/2024-о'quv yilida xorijiy va nodavlat oliy ta'lim muassasalaridan respublika davlat oliy ta'lim muassasalariga talabalar o'qishini ko'chirish uchun o'tkaziladigan maxsus sinovlar bo'yicha o'tish ballari

Shifr	Bilim va ta'lim sohalari nomi	2023/2024-o'quv yili uchun maxsus sinovlar bo'yicha tasdiqlangan o'tish ballari
100 000	TA'LIM	
110 000	Ta'lim	94
200 000	SAN'AT VA GUMANITAR FANLAR	
210 000	San'at	80
220 000	Gumanitar fanlar (tillardan tashqari)	94
230 000	Tillar	94
300 000	IJTIMOY FANLAR, JURNALISTIKA VA AXBOROT	
310 000	Ijtimoiy va xulq atvoriga mansub fanlar	105
320 000	Jurnalistika va axborot	105
400 000	BIZNES, BOSHQARUV VA HUQUQ	
410 000	Biznes va boshqaruv	105
420 000	Huquq	140
500 000	TABIIY FANLAR, MATEMATIKA VA STATISTIKA	
510 000	Biologik va turdosh fanlar	80
520 000	Atrof muhit	94
530 000	Fizika va tabiiy fanlar	80
540 000	Matematika va statistika	94
600 000	AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI	
610 000	Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari	94
700 000	MUHANDISLIK, ISHLOV BERISH VA QURILISH SOHALARI	
710 000	Muhandislik ishi	75
720 000	Ishlab chiqarish va ishlov berish sohalari	75
730 000	Arxitektura va qurilish	75
800 000	QISHLOQ, O'RMON, BALIQ XO'JALIGI VA VETERINARIYA	
810 000	Qishloq xo'jaligi	70
820 000	O'rmon xo'jaligi	70
830 000	Baliq xo'jaligi	70
840 000	Veterinariya	60
900 000	SOG'LIQNI SAQLASH VA IJTIMOY TA'MINOT	
910 000	Sog'liqni saqlash	129
920 000	Ijtimoiy ta'minot	94
1 000 000	XIZMATLAR	
1 010 000	Xizmat ko'rsatish sohasi	80
1 020 000	Gigiyena va ishlab chiqarishda mehnat muhofazasi	70
1 040 000	Transport xizmatlari	104



Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.
Электрон манзилими: www.uzssgzt.uz

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Zdravooxranenie Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев

Таҳририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават. Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-й/Тел/факс: (71)233-11-07.

Газета ҳажми
2 босма табоқ.
Формати А3. Офсет усулида чоп этилган.

Адади - 750 дона.
Буюртма рақами Г-735.

Босмахонага топширилиш вақти:
21-00. 3 4 5 6 7
Топширилди 20-00.